



journal homepage:

<https://www.supportscience.uz/index.php/oiss>

XIX АСРГА ОИД ХОРИЖ МАНБАЛАРИДА ЎЗБЕК ХОНЛИКЛАРИДАГИ ЭТНОАНТРОПОНИМЛАР

B.I. Зокиров

докторант,

Тошкент давлат шарқшунослик университети

E-маил манзили: zbexzodz@gmail.com

Калит сўзлар: топоним, топонимлашиш ҳадисаси, этноним, этнотопоним, антропоним, этноантропоним, топонимик қамлам, қабила-уруг.

Аннотация: Мазкур мақолада XIX аср ўзбек хонликлари оид рус ва хориж сайёхлари ҳамда давлатларнинг расмий вакиллари сафар хотиралари асосида яратилган “сафарномалар”да учрайдиган жой номларининг умумий таркибидаги этноантропонимлар ҳамда уларнинг Бухоро, Хива ва Кўқон хонликларининг этник таркибини ўрганишдаги аҳамияти таҳлил қилинган. Этноантропонимларни маълум тарихий асарлар асосида манбашунослик ҳамда тарихшунослик аспектида кўриб чиқиши жой номларини ўрганиш соҳаси тарихий топонимиининг долзарб масалалиридан бири ҳисобланади. Сабаби топонимларнинг ушбу тури тегишли худуд аҳолиснинг этник таркиби, ижтимоий-муносабатлари, демографик жараёнлар ва уларга таъсир қилган омилларни ўрганишда ўзига хос амалий аҳамиятга эга ҳисобланади.

ETHNOANTHROONYMS OF UZBEK KHANATES IN FOREIGN SOURCES OF THE 19TH CENTURY

B.I. Zokirov

PhD student,

Tashkent state university of oriental studies

E-mail address: zbexzodz@gmail.com

Key words: toponym, phenomenon of toponymization, ethnonym, ethnotoponym, anthroponym, ethnoanthroponym, toponymic scope, tribe.

Abstract: This article analyzes the ethnoanthroponyms in the general structure of the place names in the "safarnomas" created on the basis of travel memories of Russian and foreign tourists and official representatives of the states related to the Uzbek khanates of the 19th century and their importance in studying the ethnic composition of the Bukhara, Khiva and Ko'kan khanates. Ethnoanthroponyms based on certain historical works in the

aspect of source studies and historiography, the study of place names is one of the topical issues of historical toponymy. The reason is that this type of toponyms is of particular practical importance in studying the ethnic composition, social relations, demographic processes and factors affecting the population of the respective area.

ЭТНОАНТРОПОНИМЫ УЗБЕКСКИХ ХАНСТВ В ЗАРУБЕЖНЫХ ИСТОЧНИКАХ XIX В.

Б.И. Закиров

докторант,

Ташкентский государственный университет востоковедения

Адрес электронной почты: zbexzodz@gmail.com

Ключевые	слова:	Аннотация:
топоним, топонимизации, этнотопоним, этноантропоним, топонимическая сфера, племя.	явление этоним, антропоним, топоним,	В данной статье анализируются этноантропонимы в общей структуре топонимов в «сафарномах», созданных на основе путевых воспоминаний русских и иностранных туристов и официальных представителей государств, связанных с узбекскими ханствами XIX в., и их значение в изучении этнический состав Бухарского, Хивинского и Коканского ханств. Этноантропонимы, основанные на определенных исторических произведениях, в аспекте источниковедения и историографии, изучения топонимов являются одним из актуальных вопросов исторической топонимии. Причина в том, что этот тип топонимов имеет особое практическое значение при изучении этнического состава, социальных отношений, демографических процессов и факторов, влияющих на них.

Бизга маълумки, ҳар қандай ҳалқ ўзининг келиб чиқишини этник бирликларга боғлади. Ушбу этник бирлик бирор ҳалқ, элат, қабила, уруғ ёки унинг таркибиға киравчи кичикроқ уруғнинг бўлими ҳамда авлоди бўлиши мумкин. Айни пайтда этноснинг ўзида турли гуруҳларга бўлиниши бир томондан уларнинг ўтроқликка ўтиши билан боғлиқ бўлса, бошқа томондан қабила-уруғчилик анаъаналарини қай даражада сақлаб қолганлигига асосланади. Яъни, ўтроқликка ўтиш жараёнида баъзи этник бирликлар ўзида бир неча гуруҳларга бўлиниши натижасида улар ўзларининг умумий номини ўзгартириши, ўзларига бошқа номни олиши мумкин. Шунингдек, бошқа жойга кўчиб борган уруғ-қабилалар маҳаллий аҳолига кўшилиши натижасида ўзининг идентикилиги йўқотиши ёки янги қадриятларни ўзига қабул қилиши мумкин. Баъзи уруғ-қабилаларнинг номлари жой номларида сақланиб қолиши уларнинг манба сифатида илмий амалий аҳамиятини янада оширади. Тарихий топонимлар ёзма маълумотларда сақланиб қолмаган

аҳолининг этноижтимоий таркиби, қабила-уруғчилик анъаналарини ва уларнинг худудий жойлашувига оид қимматли маълумотларни бера олади. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ушбу мақолада кўрсатилган илмий муаммо ниҳоятда долзарб ҳисобланиб, унда топонимларнинг тарихий асарлар билан қиёсий таҳлил қилишнинг назарий ва амалий муаммолари кўрсатиб берилган.

Тадқиқот обьекти ва методлари. Мақолада XIX асрдаги ўзбек хонликларидағи жой номлари, шунингдек, шу даврга оид тарихий асарлар, хусусан, Ўрта Осиёга ташриф буюрган рус ва хориж сайёҳларининг сафар хотиралари, кундаликларидағи этноантропонимлар тадқиқот обьекти сифатида танлаб олинди. Ушбу жой номларининг минтақа этноижтимоий таркиби ҳамда ўзбек уруғларининг ўрганишдаги аҳамиятини кўрсатишида тарихий тадқиқотларда қўлланиладиган тарихий-хронологик ва қиёсий таҳлил ҳамда тизимли ёндашув, шунингдек, топонимик қатламлаштириш, генетик анализ каби тадқиқот усусларидан фойдаланилди.

Муҳокама ва натижалар. Тарихдан маълумки, ҳар қандай жой номининг пайдо бўлиши худуднинг ижтимоий-иқтисодий ва этник тарихига боғланади. Шунинг учун тарихий топонимлар ўзида кўплаб тарихий маълумотларни олиб юрганлиги сабабли, улар алоҳида тадқиқот обьекти сифатида ўрганилади ва қўшимча тарихий манба сифатида тадқиқот доирасига киритилади. Топонимларнинг ўз ичидаги кўплаб турлари мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири тарихий макон ва замоннинг турли жиҳатларини қамраб олади ҳамда турли тарихий обьектларни номлаб келади. Жой номларининг тарих фанига энг кўп манба бера оладиган турларидан бири, шубҳасиз этнотопонимлар бўлиб, бу каби жой номлари бирор ҳудудда яшайдиган аҳоли гурухи ёки этник бирлик номининг топонимлашиш ҳодисасига учраши натижасида пайдо бўлади. Шунинг учун, этнотопонимлар этномим асосида пайдо бўлган жой номлари сифатида худуд аҳолисининг этник таркиби кўрсатиб берувчи муҳим манбалардан бири сифатида эътироф этилади.

Айни пайтда этнотопонимларнинг ҳам бир неча турлари мавжуд бўлиб, улар турли хусусиятларига кўра тасниф қилинади. Хусусан, этник бирликларнинг номлари турли тарихий, ижтимоий-иқтисодий жараёнлар ҳамда маънавий қадриятлар натижасида пайдо бўлади. Улар тотемлар (*қўнғирот, калтатой*), тамға-белгилар (*ойтамғали, қўштамғали*), сон ва миқдор (*қирқ, минг, юз*), ранг-тус (*оқ манғит, қоракўрпа*), аҳолининг машғулоти, жойнинг географик ҳолати каби тушунчаларни ҳам ифодалайди. Шунингдек этнотопонимларнинг яна бир тури ҳам борки, улар киши исмлари - антропонимлар асосида шаклланиб, топонимия фанида этноантропонимлар деб юритилади. Бу каби жой номларининг ўзига хослиги шундаки, бунда шахс номи аввал уруғ номига, ундан кейин

эса жой номига кўчиб ўтади. Шунинг учун ҳам бу каби жой номлари антропонимлар киши исмлари асосида шаклланган жой номларига жуда яқин ҳисобланиб, уларни бир-биридан ажратиб олиш фақатгина манбаларнинг қиёсий таҳлили натижасида эришилади. Хусусан, антропоним бирор аҳоли масканига асос солган ёки шу худудда яшаган шахс номидан олинган бўлса, этноантропоним уруғ номида олинади ҳамда этник таркибни ўзида намоён қилади. Масалан, ўзбек уруғларидан энг йириклари бўлмиш қўнғиротларнинг кўплаб уруғ тармоқлари мавжуд бўлиб, уларнинг ичидаги *мирзатўп*, *худойқул*, *тиловмат*, *толибой*, *холибой*, *улугбердитўп*, *жонқобилтўп* каби этнонимлар учрайди¹. Шунингдек, Жиззах ва Зомин атрофларидағи қирқ уруғининг *сугунбой* тармоғи яшаган². Уларнинг ҳам пайдо бўлиши киши исми билан боғлиқ бўлиб, бундай этнонимлар асосида пайдо бўлган жой номлари этноантропонимлар ҳисобланади. Бу каби этник бирлик номларига ушбу қабила оқсоқолининг ёки қабила сардорининг номи асос бўлади. Ушбу номлар асосан ўтроқликка ўтиш даврида ёки уруғнинг бирор худудга миграцияси натижасида пайдо бўлиб, аксарият ҳолатларда уларнинг номлари жой номларига ҳам кўчади. Шунинг учун, шахс исми билан боғлиқ жой номларида уларнинг антропоним эканлигига бир ёқлама фикр билдиришдан олдин, уларнинг этноантропоним бўлиши ҳам мумкинлиги, улар эса худуд этник таркибни аниқлашга хизмат қилиши мумкинлиги инботга олиш мақадга мувоқидир.

Бу каби жой номлари этнотопонимлар умумий қатламида нисбатан озчиликни ташкил қиласада, уларнинг айримлари кўрсатилган даврда Ўрта Осиёнинг турли минтақаларида қайд этилган. Хусусан, Хивага келган кўплаб сайёҳларнинг асарларида хонлик шаҳарлари ичидаги *Алиэли* шаҳри ҳақида маълумот берилади. Г.Лансдейлнинг ўзининг асарида шаҳар номини *Iliali деб атаб*, шаҳар ҳақида шундай дейди: “Шаҳар номи туркманлар томонидан *Джисланди* ёки *Жингилди* деб номланиб, шаҳарга дағн этилган *Ҳазрат Билиали* номидан олинган бўлиб, у киши туркманларни Хива хонларининг турли туман ҳужумларидан ҳимоя қилувчи дуогўй мўтабар пири ҳисобланган”³. Умуман олганда ушбу этнотопоним асоси *алиэли* уруғи номидан олинганлиги ва унинг туркман уруғи эканлиги, тузилишидан эса шахс номи уруғ номига асос бўлганлигини билиб олиш мумкин. Туркманларнинг этнонимлари бўйича маҳсус тадқиқот олиб борган С.Атаниязов ушбу этнотопоним пайдо бўлишини Ўзбойда яшаган ўзбек ва туркман уруғларининг сардори Али Чора (Жўра) номи билан боғлайди⁴. Ўз навбатида XVI асрда Хива хонлигига

¹ Усмонов М.Ш. Жанубий Ўзбекистон қўнғиротлари (XIX аср охири – XX асрнинг биринчи ярми, тарихий-этнологик таҳлил). дисс. тар. фан. фал. докт. –Тошкент, 2018. –183 б.

²Дониёров Х. Ўзбек халқининг шажара ва шевалари. -Тошкент: Фан, 1968.- Б. 86.

³ Henry Lansdell. Russian Central Asia (including Kuldja, Bokhara, Khiva and Merv). Vol. 1. –London, 1885. –P. 332.

⁴ Атаниязов С. Этнонимы в туркменском языке. –Ашгабад: Илымъ, 1994. –С. 70.

ҳам Али Султон исмли маҳаллий ҳукмдор бўлган. Я.Ғуломовнинг А.Баходирхоннинг маълумотларига таяниб қайд этишича, 1559 йилда Ҳожи Муҳаммад (Ҳожимхон) Хива тахтига ўтиргач, Урганч, Ҳазорасп ва Катни Али султонга беришган⁵. Кўриб турганимиздек, гарчи *алиэли* уруғининг номи бмлан боғланувчи тарихий шахсларнинг ҳаммасининг фаолияти XIX асрдаги Хивадаги мавжуд Алиэли шаҳрига тўғри келмасада, Хива хонларининг бевосита қабилаларнинг кўчириш сиёсати орқали ушбу уруғ номи шаҳарга асос бўлгани, шунингдек, уни киши исмидан келиб чиққани учун этноантропоним эканлиги ҳақиқатга яқинроқ.

Шунингдек, ушбу типдаги жой номлари бирор ўзбек уруғига мансуб аҳолининг ички бўлими (баъзи ҳудудларда тўп, авлод, аймоқ, отадош, пушт деб аталган) хонликларнинг ўзбек уруғлари зич ва ўтроқликка ўтиш нисбатан кучли бўлган ҳудудларда кенг тарқалган. Хусусан, бундай жараён ўзбек уруғларининг ўтроқлашуви нисбатан кучли бўлган Зарафшон водийсида нисбатан кўпроқ учрайди. Хусусан, Бухоро амирлигининг Денов беклигига ўзбекларнинг қарапчи уруғининг яшайдиган ҳудудда Зардақул номли қишлоқ қайд этилган⁶. Фикримизча, унинг номи қарапчи уруғининг зардақул бўлимидан олинган бўлиб, айнан зардақул уруғи кўпроқ яшаган қишлоқ уруғ номи билан аталган. Ушбу бекликдаги Зардақул қишлоғидан ташқари, *Қўкан*, *Қурбончичқоқ*, *Хўжса*, *Чортепа* номли қишлоқларда ҳам ушбу уруғ вакиллари яшаган бўлса-да, уруғ номининг қишлоқ номига ўтиши ушбу уруғ вакиллари қолган қишлоқларга қараганда Зардақул қишлоғида кўп микдорда яшаган. Айни пайтда, кўршимиз мумкинки Зардақул киши исми бўлиб, киши исмидан уруғ номига, уруғ номидан жой номига топонимлашиши натижасида этноантропонимни вужудга келтирмоқда. Ўтроқлашиш ва миграцион жараёнлар кучли бўлган бу каби ҳудудларда этник бирлик ёки йирик уруғ номи ота уруғ билан эмас, балки унга мансуб авлод ёки тўп номи билан аталган бўлиб, аксарият ҳолларда бу этник бирликлар этноантропоним сифатида жой номларида сақланиб қолади. Гарчи, ушбу даврда асосан, ўзбек хонликларининг чорвадор ва ярим ўтроқ аҳолисида, қисман шаҳар аҳолисида уруғ-аймоқчилик аънаналари кучли бўлса-да, ушбу тизим ибтидоий даврдаги уруғчиликдан тубдан фарқ қилиб, бу даврдаги қабила-уругчилик хўжалик ва маданий қадриятларнинг авлоддан-авлодга етказиб берувчи ўзига хос ижтимоий тизим сифатида намоён бўлади.

XIX асрга оид манбаларда баъзи жойларида этнотопоним шаклида шахс ва уруғ номининг битта жой номи таркибида келиш ҳолати ҳам кузатилади. Хусусан,

⁵ Ғуломов Я.Ғ. Хоразмнинг сугорилиш тарихи. –Тошкент, 1959. –Б. 194.

⁶ Населенные пункты Бухарского эмирата. (конец XIX- нач. XX в.в.) (под. Ред. А.Р.Мухаммеджанова) – Тошкент: Университет, 2001. -С. 162.

Г.И.Данилевский ўзининг асарида Шоҳобод каналининг ўнг томонидан қазиб чиқарилган ариқ номини *Тангриберди қалмок* (Тангры-Берды Калмакъ) номли этногидронимни келтириб ўтади⁷. Шунингдек, А.И.Макшеев Хўжанд уезди, Ўратепа туманида *Холдар-қипчоқ* номли қишлоқ борлиги қайд этади⁸. Бу каби номлар минтақада етарлича топилиб, уларнинг этноантропоним дейишга шошилмаслик керак. Сабаби, ушби жой номлари таркибидаги киши исми ва этномим кўп ҳолларда шахсни аниқлаштириб, умумий уруғга нисбат берилмаган.

Умуман олганда туркий тилдаги тарихий исмлар ва уларнинг маъносига оид тадқиқотлар, хусусан, шу соҳага оид алоҳида тадқиқот бўлмаганлиги сабабли, исмлар асосида пайдо бўлган жой номларининг айнан қайси бири этнотопоним ва аксинча, қайси бири антропоним эканлиги билиб олиш мураккаблик туғдиради. М.Қошғарий томонидан ўғуз қабиласининг 22 уруғ номи ва тамғаси ҳакида маълумот берар экан, ушбу уруғ номларининг аксарият қисми ўзларининг ота-боболари исмидан олинганлиги қайд этиб ўтилади⁹. Этнограф олим Б.Х.Кармишева ҳам ўз тадқиқотлари бу масалага алоҳида тўхталиб ўтади. Унинг қайд этишича, лақай уруғининг майда тармоқларининг номлари киши исмлари ва лақабларидан пайдо бўлган бўлиб, улар ҳам этноантропонимларга мисол бўла олади¹⁰. Умуман олганда этнотопонимлар ва антропонимлар бир-бирига жуда яқин бўлганлиги сабабли тадқиқотларда кўп ҳолатларда уларни ягона таснифга киритиш, этноантропонимларни эса антропонимлар сифатида адаштириш ҳолатлари кузатилади. Лекин, шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, жой номларининг ушбу икки тури гарчи ягона тасниф усулига киритилса, бир-биридан кескин фарқ қилиб тарихий жараёнга турлича манба бўла олиши билан ҳам характерлидир.

Хулоса ва гипотезалар. Хулоса ўрнида шуни айтишимиз мумкинки, этноантропонимлар киши исмларининг этномимга кўчган шаклини топонимлашиб ҳодисасига учраши натижасида пайдо бўлади. Ушбу номлар ўзи билан кўплаб тарихий маълумотларни олиб юриб, энг аввало, ўрганилаётган ҳудуднинг этник таркиби, ижтимоий-иктисодий ва мулкчилик муносабатларидан дарак бериб, баъзида этносларнинг миграцион ҳамда ўтроқликка ўтиш жараёнларини ҳам намоён қилади. Шунинг билан бир қаторда, этнотопонимларнинг умумий таркибida кўп миқдорда учрамасада, биз мақолада кўриб чиққанимиздек, *Алиэли* шаҳри каби тарихий шароит тақазоси билан ёки йирик ўзбек

⁷ Данилевский И. Описание Хивинского ханства. -Санкт-Петербургъ, 1851. -С. 83.

⁸ Макшеев А.И. Географические, этнографические и статические материалы о Туркестанскомъ крае. Туркестанский Сборник. Томъ. 112.-Спбъ, 1876. -С. 128.

⁹ Кошғарий Махмуд. Девони лугатит турк. -Тошкент, 1960. -Б. 91.

¹⁰ Кармишева Б.Х. Узбеки-локайцъ Южного Таджикистана. Выпуск 1.-Сталинабад: Изд-во Акад. наук Тадж. ССР, 1954. -С. 15.

қавмлари, масалан, қўнғиротлар, қипчоқлар, юзлар, кирқлар, минглар таркибидаги ички бўлимларнинг ўтроқликка ўтган қавмининг номи жой номига кўчган шаклларидан пайдо бўлади. Шунинг учун йирик ўзбек уруғлари яшайдиган ҳудудларда киши исмлари билан боғлиқ жой номлари ёки жой номи таркиби *тўчи* сўзи учраса (*Холмонтўчи*, *Назартўчи*) уларни этноантропним сифатида текшириб кўриш мақсадга мувофиқдир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Атаниязав С. Этнонимы в туркменском языке. –Ашгабад: Илымъ, 1994. –228 с.
2. Данилевский И. Описание Хивинского ханства. -Санкт-Петербургъ, 1851. –С. 115.
3. Дониёров Х. Ўзбек халқининг шажара ва шевалари. -Тошкент: Фан, 1968. –98 б.
4. Henry Lansdell. Russian Central Asia (including Kuldja, Bokhara, Khiva and Merv). Vol. 1. –London, 1885. –687 р.
5. Кармишева Б.Х. Узбеки-локайцъ Южного Таджикистана. Выпуск 1. –Сталинабад: Изд-во Акад. наук Тадж. ССР, 1954. –169 с.
6. Кошғарий Маҳмуд. Девони луғатит турк. –Тошкент, 1960. –449 б.
7. Населенные пункты Бухарского эмирата. (конец XIX- нач. XX в.в.) (под. Ред. А.Р.Мухаммеджанова) –Тошкент: Университет, 2001. –184 с.
8. Макшеев А.И. Географические, этнографические и статистические материалы о Туркестанском крае. Туркестанский Сборник. Томъ. 112.-Спбъ, 1876. – 128 с.
9. Фуломов Я.Ф. Хоразмнинг суғорилиш тарихи. –Тошкент, 1959. –326 б.
10. Усмонов М.Ш. Жанубий Ўзбекистон қўнғиротлари (XIX аср охири – XX асрнинг биринчи ярми, тарихий-этнологик таҳлил). дисс. тар. фан. фал. докт. –Тошкент, 2018. –183 б.
11. Zokirov, B. I. (2022). ETHNOTOPONYMS IN THE WORKS OF FOREIGN TOURISTS WHO VISITED CENTRAL ASIA IN THE XIX CENTURY AS A SOURCE IN THE STUDY OF THE SOCIAL STRUCTURE OF THE POPULATION. *Frontline Social Sciences and History Journal*, 2(01), 1-8.
12. Zokirov, B. I. U. (2021). Works of foreign tourists visiting Central Asia in the XIX century as a source in the study of regional ethnotoponyms. *CURRENT RESEARCH JOURNAL OF HISTORY (2767-472X)*, 2(10), 33-38.
13. Zokirov B.I. (2022). ETHNOANTHROPONYMIC LAYER IN THE STRUCTURE OF PLACE NAMES OF UZBEK KHANATES OF THE XIX CENTURY. *World Bulletin of Social Sciences*, 7, 96-99.

14. Зокиров Б.И. (2021). ТОПОНИМИК ТАДҚИҚОТЛАРДА ТАСНИФЛАШ МУАММОЛАРИ ВА УЛАРДА ЭТНОТОПОНИМЛАРНИНГ ТУТГАН ЎРНИ. *ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ*, 4(6).
15. Зокиров Б.И. Рус ва хориж сайёхларининг сафарномаларида Хива ҳонлигига оид айрим этнонимларнинг ёритилиши (XIX аср манбалари мисолида)//Innovative, educational, natural and social sciences, 2021.
16. Закиров, Б.. Этнонимы и этнотопонимы в узбекских ханствах в зарубежных источниках, датируемых 19 веком. *Актуальные проблемы истории Узбекистана*, 1(1), 293–301. извлечено от <https://inlibrary.uz/index.php/history-of-uzbekistan/article/view/16507>